


Шеробод тумани ИИБ бўлим бошлиғи Н.Нарзуллаев ва Шеробод туман Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан миграциядаги ёшлар иштирокида видеочат орқали учрашув ўтказилди.



Шеробод туман ИИБ бўлими бошлиғи Нурунбек Нарзуллаев томонидан бугунги кунда чет элда миграцияда бўлиб турган ёшлар ва чет элдаги ишлаб юрган ёшлар билан телеграм платформасида видеочат орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Шунингдек, туман ИИБ бўлими бошлиғи томонидан ҳозирда миграцияга бўлиб турган ёшларга ҳуқуқий тушунчалар бериб, уларга туманимизда ҳам яхши шароитли ишлар борлигини, ҳамда оиласи бағрида бўлишини таъкидлаб ўтди.

⇒ Учрашувда 22 нафардан ортиқ миграциядаги ёшлар иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга ҳамда таклиф ва муаммоларига тегишли жавоблар берилиши таъминланди.